


«Мўминнинг қалқони - муфассал рўза китоби»

*Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф*

МЎМИННИНГ ҚАЛҚОНИ

Муфассал рўза китоби



18:00 / 24.11.2022 5365

«Мўминнинг қалқони - муфассал рўза китоби»

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Нашриёт: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси

Сана: 2022 йил (2021, 2019, 2018, 2016, 2015)

Ҳажми: 176 бет

ISBN: 978-9943-7794-9-5

Ўлчами: 84×108 1/32

Муқоваси: юмшоқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йилдаги 7013-рақамли тавсияси ила чоп этилган

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

СЎЗБОШИ

Мўмин бандаларининг гуноҳ ва хатоларига қалқон қилиб рўзани Исломининг фарз ибодатлари қаторига қўшган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Умматларига чексиз муҳаббат ва шафқат кўрсатиб, рўза тутишни барча сир-асрорлари билан ўргатиб кетган ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга абадул-абад салавоту саломлар бўлсин!

Мусулмонларга рўза ҳақидаги оят ва ҳадисларни етказиб, таълим берган саҳобаи киромларга Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин!

Қуръон ва суннатдан рўза ҳақидаги маълумот ва таълимотларни чуқур ўрганиб, улардан тегишли аҳкомларни чиқарган, тартибга солган ва осонлаштириб кетган мужтаҳид уламоларимизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Муҳтарам ўқувчиларимизга яхши маълумки, бундан сал олдинроқ кўпчиликнинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда Илом арконлари ҳақида муфассал маълумот берувчи туркум китоблар нашр қилишни йўлга қўйган эдик. Мазкур туркумнинг намозга бағишланган «Мўминнинг меърожи» китоби ўқувчиларимиз томонидан яхши кутиб олиниб, унинг биринчи нашри жуда тез тарқалиб кетди ҳамда тез орада иккинчи нашри ҳам сотувга чиқди. Бугун сизларнинг ҳукмингизга шу туркумдаги

китобларнинг навбатдагиси – рўза масалаларига бағишланган «Мўминнинг қалқони» номли муфассал рўза китобини тақдим қилаётганимиздан мамнунмиз. Зеро, рўза бандаларни гуноҳ ва хатолардан, дўзах ўтидан тўсувчи қалқондир.

Ҳар йили Рамазони шариф кириб келиши билан бу муборак ойнинг фазлидан баҳраманд бўлиб қолиш учун рўза ибодати ва унинг аҳкомларини теранроқ англаб етишга ҳаракат қилиб қоламиз, маълумотлар қидиришга тушамиз. Лекин бу борада етарли маълумотлар жамланган китобларни топиб ўқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди, чунки она тилимизда бундай китоблар жуда кам, борларини ҳам топишга кўпда ҳафсаламиз етишмай қолади. Мана шу маънода қўлингиздаги асар бу борадаги мавжуд бўшлиқни тўлдиради, деган умиддамиз.

Маълумки, Рамазон ойи рўзасининг фарзлиги ҳақида етарли маълумот олмагунча киши тутаётган рўзасининг аҳамиятини англаб ета олмайди. Шунинг учун қўлингиздаги китобда дастлаб ана шу мавзуда сўз юритилади. Бу ибодат Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадислари ва Ислом умматининг ижмоъи билан собит бўлгани етарли равишда баён қилиб берилади.

Шунингдек, ушбу китобимизда рўзанинг беҳисоб фазилатлари, унинг суннатлари, рўзанинг турлари ва вақтининг баёни, бу ибодатнинг нозик сирлари, унинг шартлари, фажри содиқнинг аломати, рўза тутишни бошлаш ва тўхтатишнинг ҳилол кўриш орқали бўлиши, ҳилолни кўришдаги гувоҳликлар каби бошқа китобларда кам ёритилган мавзуларга кенгроқ эътибор қаратилди. Рўзадорнинг ният қилиши, рўзадорга мустаҳаб бўлган амаллар, рўзани бузадиган ва бузмайдиган амаллар, ифторлик ва саҳарлик қилиш, ифторлик пайтида ўқиладиган дуолар, рўзадорнинг Рамазон ойида турли ношаръий ишлардан тийилиши, тилини ёлғон, ғийбат, бўҳтон, беҳаё сўз каби тил офатларидан асраши, шунингдек, Рамазон ойи ва рўза ибодатига оид аёлларга хос масалалар ҳақида ҳам кўпгина маълумотлар берилди. Рамазон ойида бўладиган таровеҳ намози, фидя, фитр садақаси, эътикоф ўтириш, ийд намозини адо этиш каби ибодатлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталдик.

Исломнинг илк давридан бошлаб мусулмонлар Рамазонда Қуръон тиловат қилишга, саховатли ва карамли бўлишга алоҳида эътибор бериб келганлар. Чунки севиқли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари ана шундай қилганлар ва умматларига бунда ўрнатиб, алоҳида таълим берганлар. Таровеҳ намози муборак Рамазон ойининг энг кўзга кўринган файзу футуҳларидан бири. Кўпчилик бу намозда қатнашиб, ажру савоблар олишга интилади. Аммо унинг тарихидан, қандай қилиб йўлга

қўйилганидан ҳамма бирдек хабардормикан? Ушбу масалалар ҳам китобда кенг шарҳлаб берилди.

Шу билан бирга, сиз ушбу китобдан ўзи шубҳали кўринса ҳам, рўзага халал бермайдиган нарсалар ҳақида, рўза тутмасликларига ёки қазо қилиб тутишларига рухсат берилган кишилар, рўза тутиш ман қилинган кунлар, нафл рўзалар ҳақида, минг ойдан яхшироқ бўлган Қадр кечаси ва яна кўпгина бошқа нарсалар ҳақида қимматли маълумотларни топасиз. Аллоҳ таоло бу камтарона ишимизнинг камчиликларини кечириб, даргоҳида қабул айласин, уни қиёмат куни амаллар мезонида тош босадиган амаллардан қилсин! Аллоҳ таоло ушбу китобнинг сиз азиз ўқувчиларга манфаатли ва фойдали бўлишини насиб этсин! Омин!

Ушбу китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар олишингиз мумкин:

Сўзбоши

Рўза қандай ибодат?

«Сизларга рўза тутиш фарз қилинди...»

Рўза ҳадиси шарифларда

Рўзанинг даражалари

Рўзанинг шартлари

Рўзанинг турлари

Рўза тутиш ҳаром бўлган кунлар

Рўза тутиш макруҳ бўлган кунлар

Ихтиёрий рўза

Рўзанинг нияти

Рамазоннинг ҳилоли

Саҳарлик ва ифторлик

Саҳарлик ва ифторлик ҳақидаги савол-жавоблар

Рўзанинг мустаҳаблари

Рўзани бузадиган нарсалар

Қазо ва каффоратга оид савол-жавоблар

Рўзани бузмайдиган нарсалар

Рўзани бузадиган ва бузмайдиган

амалларга оид савол-жавоблар

Рўзадорга макруҳ бўлган нарсалар

Рўзада макруҳ бўлган амалларга оид савол-жавоблар

Аёлларга хос масалалар

Рўза тутмасликка рухсат берилганлар

Рўза тутмасликни ёки тутган бўлса ҳам

очишни мубоҳ қилувчи ҳолатлар
Мавзуга оид савол-жавоблар
Эътикоф
Эътикофга оид савол-жавоблар
Фитр садақаси
Фитр садақасининг вожиб бўлиш шартлари
Фитр садақасига оид савол-жавоблар
Фидя
Фидяга оид савол-жавоблар
Таровеҳ намози
Мавзуга оид савол-жавоблар
Минг ойдан яхшироқ кеча
Нафл рўзалар ҳақидаги ҳадислар
Нафл рўзага оид савол-жавоблар
Ийдул-фитр намози
«Рўза тутинглар, саломат бўласизлар»
Хулоса
Манбалар рўйхати